



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йилмарт
ойининг 16 кунинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик суд мажлиси, ўзбиносида бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ахмедова, судья ёрдамчиси З.Файзиевнинг котиблигида,
тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси Ж.Авазхонов, судланувчи Ф.У.Бурхонов ва унинг ҳимоячиси “Тенглик Нури” адвокатлар ҳайъати адвокати З.Хидировларнинг иштирокида, Бурхонов Фуркат Уктамовичга нисбатан №1-1401-2002/52-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Бурхонов Фуркат Уктамович (Burhonov Furkat Uktamovich)-1992 йил 22 январь кунин Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, судланмаган, “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлайди, Самарқанд шаҳар, “Сайхун” маҳалласи Наманган кўчаси 24-уйда яшайди, унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 17.01.2020 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Бурхонов Фуркат Уктамович, 2018 йил 27 июнь кунин Самарқанд шаҳар “Ягона дарча маркази” томонидан 618766-сонли тартиб рақам билан рўйхатдан ўтган “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” МЧЖни ташкил этиб, ягона таъсисчиси ва жамият раҳбари сифатида мазкур жамиятни барча молиявий фаолиятини бошқариб, 2018 ва 2019 йил июль ойига қадар жами 743.126,2 млн. сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 119-моддасида нақд савдо ва хизмат кўрсатишдан тушган маблағларни фискал хотирали назорат касса машиналари ёки унга тенглаштирилган қатъий ҳисобда турувчи патталар бермаслиги хизмат кўрсатувчи банк муассасасига маблағларни топширмаганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 279-1-сонли Қонуни, “Ҳисоб сиёсати тўғрисида”ги Низомидаги бухгалтерия ҳисоби, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 14 август кунин тасдиқланган 474-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” №1 бухгалтерия ҳисоби



миллий стандарти (БҲМС) ҳамда Солиқ Кодекси 42-моддасида “Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг бутун календарь йилига мўлжалланган ҳисоб сиёсати билан белгиланиши ҳамда йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас”лиги тўғрисидаги талабларини кўпол равишда бузган ҳолда, ушбу товар айланмасини Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясига 2018 йил 4-чорак (йиллик) ҳисобот даври учун тақдим қилинган солиқ ҳисоботларида мутлақо кўрсатмасдан, 2018 йилда кирим қилинган 4 млрд. 943 млн. 713,5 минг сўмлик товарлар айланмасини яшириб, фактура қиймати ва божхонага тўланган ҚҚС сўммаси 114355,3 минг сўм жами товар таннархи (4943713,5+114355,3= 5058068,8) минг сўмдан 5% солиқ ставкасида бюджетга 252903,0 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шунингдек, судланувчи Ф.У.Бурҳонов “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” МЧЖнинг фаолияти мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 8-бандида, “Товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймаслик, назорат-касса машиналари мавжуд бўлиши, савдодан тушган нақд пул маблағларини ўз вақтида инкасса қилиниши лозимлиги, агарда бу коидалар бузилган тақдирда айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади” деб ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига 1-илова “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 37-бандида кўрсатилган, яъни назорат-касса машинасини қўллаш мажбурий бўлганда уни қўллагандан, шунингдек квитанция ёзиш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлганда харидорга квитанция ёзмасдан, талонлар ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотилганда (ишлар бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда) айбдор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар” деб қарорлар талабларини кўпол равишда бузиб, хуфёна раҳбарлик қилиб келаётган “Sam Binokor Bunyod Dizayn” МЧЖнинг 2018 йил 28 июндан 2019 йил 19 декабрь кунига қадар молиявий хўжалик фаолияти давомида 7636264,3 минг сўмлик товар моддий бойликларни тергов жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган савдо нуқталари орқали фуқароларга назорат касса машинасидан чек уриб бермасдан ёки квитанция счётлари бермасдан нақд пулга сотиб, сотувдан тушган ушбу нақд пулларни банк муассасасига топширмасдан ноқонуний нақд пул айланмасига йўл қўйиб, жуда кўп миқдордаги қийматда товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш коидаларини қасддан бузган.

Бундан ташқари, судланувчи Ф.У.Бурҳонов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” МЧЖнинг



келгусида жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти ва солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказиладиган ҳужжатли текширишда ўзининг жуда кўп миқдордаги товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишда ифодаланган жиноятларини фош бўлиб қолишини олдини олиш ва муқаррар жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида, “Furqat Uktamovich Lazzatli Don”нинг 2018 йил 28 июндан 2019 йил 19 декабрь кунига қадар бўлган молиявий хўжалик фаолияти давомида амалга оширилган 5058068,8 минг сўмлик ноқонуний товарлар айланмасини (ишлар, хизматлар реализация қилинганлигини) тасдиқловчи жамиятларнинг молиявий хўжалик фаолиятига оид қатъий ҳисобдаги ҳисобхона ҳужжатларини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда 2019 йил августойида терговда аниқлаш имкони бўлмаган усул орқали қасддан nobud қилган.

Судланувчи Бурхонов Фуркат Уктамович суд мажлиси муҳокамасида айбига қисман иқrorлик билдириб ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам 2018 йил 27 июнь кунда Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари марказидан “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” МЧЖни рўйхатдан ўтказиб, раҳбарлик қилиб келганлигини, жамиятнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда штамп ва муҳрларни бир папкада жойлашган бўлиб, 2019 йил август ойи автомашинасидан тушириб йўқотиб қўйганлигини, шу сабабли текшириш пайтида уларни солиқ ходимларига тақдим эта олмаганлигини, фақат жамиятга кириш бўлган маҳсулотларнинг ГТД божхона ҳужжатлари товар транспорт накладнойлари, лицензиялари, сертификатларни, импорт карантин рухсатномаларини тақдим қилганлигини, жамият фаолияти давомида Давлат солиқ хизмати органларидан назорат касса машиналари ёки унга тенглаштирилган бир марталик патталарни рўйхатдан ўтказмаганлигини, Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекциясига юборилган электрон ягона солиқ ҳисоботи 0 (ноль) кўрсаткич билан топширилган 2018 йил баланси қандай тузилганлигидан хабари йўқлигини, ҳисоботларни ёлланма ҳисобчи Шермамат топширганлигини, бироқ жиноят ишида жамиятга 2018 йилда кириш қилинган 4943713,5 минг сўмлик ем маҳсулотлари фақатгина жамиятга импорт қилинганлиги ҳақида божхона декларациялари мавжуд эканлигини, бироқ тафтиш давомида ҳам тергов давомида ҳам ушбу сўммадаги ем маҳсулотларини жамиятга кириш бўлганлиги ва ундан чиқим бўлганлигини тасдиқловчи бирорта молия-хўжалик фаолиятига доир ҳужжат топилмаганлигини, ушбу ҳолатда ем маҳсулотлари товар айланмаси сифатида ҳаракат қилган деб кўрсатишнинг ўзи нотўғри эканлигини, чунки ҳақиқатда молия ҳужжатлари асосида товар айланмаси бўлмаганлигини, товар айланмаси бўлганлигини тасдиқловчи ҳисобхона ҳужжатлари мавжуд эмаслигини, солиқ тўловини тўламасликка доир айблов далилларга эга эмаслигини, балким тахминларга асосан қўйилганлигини, жамият томонидан 2018 йил якуни билан топширилган баланс ҳисоботида 01.01.2019 йил ҳолатига жамиятга кириш бўлган маҳсулотлар сотилмаганлиги ва жамият омборида жами 4.млрд. 383млн.900 минг сўм қолдиқ ем маҳсулоти борлиги кўрсатилганлигини, Самарқанд шаҳар солиқ инспекцияси камерал назорат ўтказилиб, жамият баланс



ҳисоботида товар моддий захиралари қолдиғи 4 млрд. 383.900 минг сўм кўрсатилган бўлсада, ўрганишда жамиятга 4 млрд. 906 056,4 минг сўмлик товар импорт қилинганлиги орадаги фарқ 522.156,4 минг сўм эканлигини ва ушбу сўммага 5 фоизлик ставкада солиқ ҳисобланса 26107,8 минг сўм солиқ яширилганлиги ҳақида 18.09.2019 йилда унга изоҳли талабнома берилганлигини, ДСИ ходимлари ушбу ишни амалга оширмасдан, ноқонуний текширишни амалга ошириб, қолдиқда қолган товар маҳсулотларини мавжудлигини суриштиришганлигини, ўз навбатида ўзи томонидан ДСИ ходимларига 2019 йил 5 октябрда тасдиқланган 2018 йил ва 2019 йилда олинган ем маҳсулотларини яроқсиз бўлиб қолганлиги ва уни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги Қашқадарё ССМ ДКнинг физик-кимё синов лабораторияси баённомалари ҳамда 8 млрд. 307 млн сўмлик ем маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш далолатномасини тақдим қилганлигини, ДСИ ходимлари эса товарларни ҳисобдан чиқаришга доир ушбу баённома ва далолатномаларни ҳисобга олишмаганлигини, 16.10.2019 йилдан 18.10.2019 йилга қадар мавзуга оид экспресс ўрганиш натижаси бўйича маълумотнома тузишиб, қонунга хилоф равишда текшириш жараёнида қайта ҳисобот олиш мумкин бўлмасда, жамиятга ушбу жамият фаолиятида 8 млрд. 307,9 млн. сўмлик товарлар камомати борлиги ҳақида 17.10.2019 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича мажбурий равишда қайта ҳисобот топширтиришганлигини, ДСИ ходимлари мансаб ваколатларидан ташқарига чиқиб, товарларни ҳисобдан чиқаришни, товаркамомати деб кузбуямачлик билан расмийлаштиришдан ташқари, ноқонуний қайта солиқ ҳисоботи топширтиришиб, ушбу ҳисоботда 1,6 млрд сўмлик қўшимча қиймат солиғи тулаши ҳақидаги рақамларни киритиб, давлатдан 1,6 млрд сўмлик сохта солиқ қарзини сунъий равишда юзага келтиришганлиги ва корхонани қарздор қилиб қўйишганлигини, шундан сўнг ДСИ ва Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент вилоят бошқармаси ходимлари, жамиятга нисбатан жиноят иши кўзгатиш учун, гарчанд жамият томонидан товарларни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги баённома ва далолатнома қонуний кучда бўлган бўлсада, 09.11.2019 йилда жиноят иши кўзгатишга доир хабарларни рўйхатга олиш тўғрисида маълумотнома тузишганликлари ва жиноят иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилинганлигини, текширувчиларга ем маҳсулотлари яроқсиз бўлганлигини, уларни реализация қилмаганлигини айтган бўлсада, уни камоққа олишганликларини, камоқда ўтирган пайтида ДСИ ходими Ғ.Хўжаев олдига келиб ем маҳсулотларини нақд пулга сотганлиги тўғрисида айтишни, шундай деб айтса ҳозир камоқдан чиқаришларини айтганлигини, шундан кейин ем маҳсулотларини нақд пулга сотганлигини айтишга мажбур бўлганлигини ва гаров сифатида 252 млн сўм пул тўловини амалга оширганлигини, шундан кейин ДСИ ходими Ғ.Хўжаев 2018 йилда жамиятга кирим бўлган таннархи 5 млрд. 58 млн 68,8 минг сўм жами товарни сотилган деб ҳисоблаб 5 фоиз солиқ ставкасида 252 млн 903 минг сўмлик ягона солиқ тўлови ҳисоблаганлигини, бироқ ушбу ем маҳсулотларнинг сотилганлигини тасдиқловчи бирорта далилий ашё ва молиявий ҳужжат мавжуд эмаслигини, шу сабабли ҳаракатларида жуда кўп миқдорда солиқлар ва бошқа мажбурий



тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳамда жуда кўп миқдорда савдо қоидаларини бузишда ифодаланган ҳаракатлари жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли, ишнинг шу қисми бўйича оқлов ҳукм чиқаришликни, ҳужжатларни йўқотиб қўйганлиги сабабли енгилроқ жазо тайинлашликни билдириб баёнот берди.

Судланувчи Ф.У.Бурханов суд мажлиси муҳокамасида ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Хўжаев Ғофур Шукурович ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам Самарқанд шаҳар прокуратурасининг 2019 йил 14 ноябрь кунги “Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва ҳужжатларни асл нусхасини олиб қўйиш тўғрисида”ги қарорига асосан Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 2019 йил 20 ноябрь кундаги 442-хс-сонли буйруғига асосан солиқ инспекциясида рўйхатга олинган “Furqat Uktamovich Lazzatli Don”МЧЖни ташкил қилган пайтдан бошлаб 2019 йил 1 ноябрь кунига қадар бўлган ҳисобот даври давомида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказганлигини, жамият фаолиятига доир бухгалтерия бирламчи чиқим ҳужжатлари тақдим қилмаганлигини, шу сабабли шу давр мобайнида ДСИдаги банкдаги ва божхона маълумотларидан фойдаланган ҳолда текшириш ўтказганлигини, Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг 2018 йил 15 ноябрдаги №01/2-13-04/1-1917-сонли жавоб хатига кўра, жамият 2018 йил 15 ноябрь ҳолатига Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасида ИФУТ хос рақами 47190дан 10910 (Фермаларда боқиладиган хайвонлар учун тайёр озуқа ишлаб чиқаришга ўзгартирилиб ҳисобга олинганлигини, жамият 2018 йил учун Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясига “Бухгалтерия баланси” тақдим қилинганлиги, бухгалтерия бирламчи чиқим ҳужжатлари тақдим қилинмаганлиги сабабли “Бухгалтерия баланси” тузилишини таҳлил қилишнинг имкони бўлмаганлигини, Самарқанд вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонаси томонидан 2019 йил 10 декабр № 110123-сонли тақдим қилинган жавоб хатига кўра жамиятига тегишли бино иншоатлар ва ер майдонлари давлат рўйхатига олинмаганлиги маълум бўлганлигини, жамиятига давлат ветеринария қўмитаси ветеринария фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун ветеринария препаратлари шу жумладан ветеринария мақсадлари учун озуқа қўшимчалари ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳуқуқини берувчи лицензия 2018 йил 7 сентябрь куни чекланмаган муддатга берилганлигини, жамият томонидан валюта ҳисоб рақами очилиб банк операцияларини амалга ошириб келганлигини, Самарқанд вилоят ДСБ ходимлари томонидан жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда жамият мансабдор шахслари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида мавзули экспресс ўрганиш ўтказилганлиги, жамиятга тегишли товар моддий бойликлар қолдиғи мавжудлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидаги 1999 йил 2 ноябрь кундаги 833-сон билан рўйхатга олинган “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” тўғрисидаги №1133-сонли



буйруғига асосан товар моддий қийматликлар инвентаризациядан ўтказилганлиги, аниқланган камомад 8307,9 млн сўмни ҳисобга олган ҳолдажамият томонидан 2019 йил январь-сентябрь оғи учун ҚҚС ҳисоботи қайта тузилиб, бюджетга 1661,6 млн сўм ҚҚС солиғи ҳисобланганиб ва ҳисобот 2019 йил 17 октябрь куни ДСИга тақдим қилинганлигини, жамият солиқ инспекциясига 2018 йил 4-чорак ҳисобот даври учун тақдим қилинган ягона солиқ ҳисоботига асосан олинган даромад (товарайланма) сўммаси 0,0 минг сўмни ташкил этганлигини, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари мавжуд эмаслигини, солинадиган база 0,0 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, ягона солиқ тўлови тўлови ҳисобланмаганлигини, 2018йилда жами 13та БЮДлари билан 5-ҳил товар кодидаги фактура қиймати 59.395 АҚШ доларидаги Қозоғистон давлатидан импорт қилинган товарларнинг сўмдаги фактура қиймати 4.943.713.540 сўмни ташкил қилишини, жамият томонидан 2018 йил 31 июль куни 2018 йил IV-чоракдан солиқ тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш тўғрисида хабарнома (уведомление) тақдим этганлигини, жамият томонидан 2018 йил якуни билан ДСИга топширилган №1 шакл бухгалтерия баланси (140 сатр)да 01.01.2019 йил ҳолатига товар моддий бойликлар захираси 4.383.900,0 минг сўм кўрсатилган бўлсада, 01.01.2019 йил ҳолатига товар моддий бойликлар захираси 4.383.900,0 минг сўмлик қолдиқни ҳақиқатда қолдиқ бўлиб қолганлигини тасдиқловчи 2018 йил ноябрь-декабрь оғи материал ҳисоботлари ва бошқа бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари текширишга тақдим қилинмаганлиги сабабли, 2018 йилда жамият омборига импорт йўли билан кирим қилинган 4.943.713,5 минг сўмлик товар моддий бойликлар барчаси 2018 йилда сотилган деб ҳисобланиб 4.943.713,5 минг сўм фактура қиймати ва божхонага тўланган ҚҚС сўммаси 114.355,3 минг сўм жами товар таннари (4943713,5+114355,3= 5058068,8) минг сўмдан дан 5% солиқ ставкасида бюджетга 252.903,0 минг сўм ягона солиқ тўлови ҳисобланишини, 2019 йилда жами 10та БЮДлари билан 6 хил товар кодидаги фактура қиймати 295.832,4 АҚШ доларидаги Қозоғистон давлатидан импорт қилинган товарларнинг сўмдаги қиймати 2.487.547.726 сўмни ташкил қилишини, ўтказилган текшириш даврида жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган фаолияти юзасидан ҳеч қандай бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари тақдим этилмаганлигини, чет элдан олиб кирилган импорт товар моддий бойликлар қайта ишланганлик ҳолати бўйича бирламчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигини, 2018-2019 йилларда Республика ҳудудидаги бошқа корхона ва ташкилотлардан қайта ишлаш ва сотиш мақсадида маҳсулотлар кирим қилинмаганлигини, текшириш давомида жамият раҳбари Ф.Бурҳонов томонидан тақдим қилинган тушунтириш хатида 2018 йилда кирим қилинган ТМБлар 2019 йил 1 январга қолдиқ қолдирилмасдан, пул кераклиги сабабли нақд пулда ҳар ҳил нотаниш фуқароларга сотиб юборганлигини, пулларни шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборганлигини, ДСИга юборилган ҳисоботлар нотўғри тузилганлигини, 2019 йилда кирим қилинган ТМБлар 2019 йилда ҳудди шу тартибда сотиб юборилганлигини баён қилганлигини, 2019 йил учун ҚҚС солиғига тортиладиган солиқ солиш базаси 2.487.547,7



минг сўмлик фактура қийматидаги товар моддий бойликлар ва божхонага тўланган ҚҚС сўммаси 86.316,8 минг сўм, бошқа корхоналарга тўланган ҚҚС 4.331,0 минг сўм, жами $(2487547,7 + 86316,8 + 4331,0 = 2578195,5)$ минг сўмдан 2019 йил октябрь ойига қадар қирим қилиниб нақд пулга сотилганлиги сабабли, 2.578.195,5 минг сўмдан 20% солиқ ставкасида 515.639,1 минг сўм ҚҚС солиғи ҳисобланишини, бундан ҳисобга олинган божхонага тўланган ҚҚС сўммаси 90.647,8 минг сўм чегирилиб орадаги фарқ $(515639,1 - 90647,8 = 424991,3)$ минг сўм бюджетга ҳисобланиши ёки берилган ҳисоботга нисбатан 1.236.608,7 минг сўмга камайтириш ҳисобланишини, “Капиталбанк” АТ банкининг Самарқанд филиали тақдим этган маълумотга кўра, 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига ташқи савдо операциялари бўйича Қозоғистон давлати билан тузилган 3-та импорт контракти бўйича 7.145 АҚШ доллари миқдоридан муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги мавжудлиги аниқланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 16 декабрдаги курси бўйича 1 АҚШ доллари 9510 сўм бўйича 67.948,95 минг сўмни ташкил қилишини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги “Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 125-сонли, 2002 йил 5 августдаги “Нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қискартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 407-сонли Қарорларни ижроси юзасидан текширилганда, жамият томонидан қарорда кўрсатилган талаблар бажарилмасдан импорт асосида Республика ҳудудига олиб қилинган товарлар қайта ишланмасдан, нақд пулга сотиб юборилиб №5-7 иловалардаги 18-та БЮДлари бўйича жами 1.699.681,0 минг сўмлик божхона ҚҚС имтиёзларидан мақсадсиз фойдаланилганлигини, жамият томонидан 2018 йил учун ДСИга ҳисоботларга 0 кўрсаткич билан тақдим қилинганлиги сабабли солиқ ҳисобланмаганлигини, текширишда жамият раҳбари Ф.Бурҳонов туншунтириш хатида, 2018 йилда импорт асосида қирим қилинган товар моддий бойликлар фақат нақд пулга нотаниш фуқароларга сотганлиги билдирганлигини, ушбу асосида 2018 йилда импорт қилинган 5.058.068,8 минг сўмдан, 5% ставкада 252.903,0 минг сўм ягона солиқ сўммаси ҳисобланганлиги, ушбу ҳисобланган ягона солиқ сўммасини қоплаш мақсадида жамият раҳбари Ф.Бурҳонов томонидан вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига 248.000,0 минг сўм топширганлигини, жамият томонидан 2019 йил учун ДСИга топширилган ҚҚС ҳисоботида бюджетга 1.661,6 млн ҚҚС солиғи ҳисобланганлиги, текшириш давомида ушбу солиқ турига тўланган ҚҚСлар ҳисобга олиниб, бюджетга 424.991,3 минг сўм ҚҚС солиғи ҳисобланганлиги ёки берилган ҳисоботга нисбатан 1.236.608,7 минг сўм камайтириш ҳисобланганлигини, шунингдек Ф.Бурҳонов тушунтириш хатида 2019 йилда импорт асосида қирим қилинган товар моддий бойликлар фақат нақд пулга нотаниш фуқароларга сотганлиги сабабли, 2019 йилда



импорт қилинган 2.578.195,5 минг сўмдан, 20% солиқ ставкасида 515639,1 минг ҚҚС солиқ суммаси ҳисобланиб, бундан 90.647,8 минг сўм тўланган ҚҚС чегирилиб, бюджетга 424.991,3 минг сўм ҚҚС солиги ҳисобланганлиги, ушбу ҳисобланган ҚҚС солиқ сўммасини Ф.Бурҳонов томонидан йил якуни билан тулашини терговда маълум қилганлигини, йиллик баланс ҳисоботларни топшириш муддат 2019 йил учун 2020 йил 15 февраль кунигача белгиланган деб солиқ кодексида кўрсатилганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Негматуллаев Анвар Акбаржонович ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам “Негматжон Файз Метал” МЧЖни 2011 йилда ташкил қилиб, ушбу жамиятни бошқариб келаётганлигини, жамият асосан тунука маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланишини, жамият Самарқанд тумани “Янгиарик” маҳалласида жойлашган бўлиб, ушбу манзилда жамиятга қарашли омборхона ҳам мавжудлигини, Бурҳонов Фуркат Уктамович билан бир маҳаллада, яъни Самарқанд шаҳри “Кафтархона” маҳалласида яшаб келишларини, Бурҳонов Фуркат у бошқариб келаётган жамиятга қарашли омборхонага маҳсулот кўйиш учун шартнома тузмаганлигини, Ф.Бурҳонов маҳсулотларини кўйишга жой топмаётганлиги сабабли, илтимос қилганлиги учун омборхонасида жой бўлганлиги сабабли, олиб келинган маҳсулотини кўйишига рухсат берганлигини, ундан шу учун ҳақ олмаганлигини, ушбу маҳсулотларни олиш вақтида 200 млн сўм пул бериб турганлигини, шу сабабли Ф.Бурҳонов унга ушбу маҳсулотлардан боқишни режалаштирган товук гўштини, бозор нархидан арзонроқ нархда бериш керак бўлганлигини, омборхонада Ф.Бурҳонов асосан ёғ ва дон маҳсулотларини сақлаганлигини, у омборхонадан 2018 йил кўз фаслидан 2019 йил куз фаслига қадар фойдаланиб келганлигини, кейин маҳсулотларини олиб чиқиб кетганлигини, Ф.Бурҳонов омборхонада сақлаган маҳсулотларни қандай техникада олиб келиб, олиб чиққанлигини кўрмаганлигини, бироқ омборхонага келган вақтида унинг юкларини, яъни дон ва ёғ маҳсулотларини кўрганлигини билдириб баёнот берди.

-шунингдек, судланувчи Ф.У.Бурҳоновнинг айби жиноят иш материалида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, яъни маълумотнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан (жилд 1, и.в. 5-93), “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” МЧЖнинг солиқ қонунчилиқига риоя қилиниши юзасидан ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши юзасидан текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (жилд 2, и.в. 1-236) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Бурҳонов Фуркат Уктамовичнинг жуда кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашда ҳамда товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-



моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, тергов органи томонидан судланувчи Ф.У.Бурҳоновнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 1-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли Қарорининг 7-бандида “солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича шуни эътиборга олиш керакки, агар солиқ тўловчи субъектларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ЖК 184-моддаси диспозицияси билан қамраб олинса, уларни тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар (ЖК 192¹¹-моддаси) ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар (ЖК 205-209, 227, 228-моддалари) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига ва суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ф.У.Бурҳонов “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” МЧЖни бошқариб келиб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир нечта жиноий қилмишлардан иборат бўлган давомли ва такрорий жиноий ҳаракатлари жараёнида давлат томонидан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан жуда кўп миқдорда бўйин товлаш, шунингдек товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш мақсадида ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатларини нобуд қилиб ва уларни яширишган ва унинг ушбу жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ҳамда 189-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинганлиги ҳамда Пленум қарори раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқилганда, унинг ушбу ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси диспозицияси билан тўлиқ қамраб олинади.

Шу сабабли, суд судланувчи Ф.У.Бурҳоновнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 1-қисмини чиқаришликни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.У.Бурҳоновнинг суд мажлиси муҳокамаси давомида, яъни Қозғистон Республикаси ҳудудидан импорт қилиб олиб келинган 4 млрд. 943 млн. 713 минг 500 сўмлик товарлар чириб кетганлиги ҳамда уларни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги Қашқадарё ССМ ДКнинг физик-кимё синов лабораторияси баённомаси асосида уларни ҳисобдан чиқарганлигини ва сотмаганлигини, шу сабабли уларни сотганлиги тўғрисидаги бирорта ҳужжатлари мавжуд эмаслигини, тергов органи ҳам



бундай ҳужжат топилмаганлигини, 2018 йилдаги бухгалтерия ҳисоботини ёнланма бухгалтер тузганлигини ва ушбу ҳисобот нотўғри эканлигини, эҳтиёт чораси қамоқ қўлланилганда солиқ инспектори Ғ.Хўжаев олдиға келиб ем маҳсулотларини нақд пулға сотганлиги тўғрисида айтишни, шундай деб айтса хозир қамоқдан чиқаришларини айтганлигини, шундан кейин ем маҳсулотларини нақд пулға сотганлигини айтишға мажбур бўлганлиги шу сабабли ҳаракатларида жўда кўп миқдорда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳамда жўда кўп миқдорда савдо қоидаларини бузишда ифодаланган ҳаракатлари жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли, ишнинг шу қисми бўйича оқлов ҳукм чиқариш ҳақидаги вазларини муҳокама қилиб, ушбу унинг вазлари ишда мавжуд бўлган далилларға тўлиқ қарама-қарши бўлганлигини, солиқ инспектори Ғ.Хўжаевнинг мансаб вазифаларига шахси қамоққа олиш ёки қамоқдан чиқариш кирмаслигини, бундан ташқари тергов вақтида судланувчи Ф.Бурҳоновни олиб келинган ем маҳсулотларини нотаниш шахсларға сотиб юборган тўғрисидаги иқроор бўлиб берган тушунтириш хатлари учун эмас, балким унинг яқин қариндошлари томонидан зарарни қоплаш учун вилоят прокуратурасининг депозит рақамиға жами 248.000.000 сўм тўлов қилинганлиги сабабли, эҳтиёт чораси гаровға ўзгартирилганлиги, шу сабабли унинг ушбу вазлари судни чалғитиш ҳамда жавобгарликдан қутилиш мақсадида келтирилган деб ҳисоблаб, унинг ушбу вазлари ишончға сазовор эмас деб баҳолайди.

Бундан ташқари, иш материалларида аниқланган далилларға кўра, судланувчи Ф.У.Бурҳонов Қозоғистон Республикаси ҳудудидан 4 млрд. 943 млн. 713 минг 500 сўмлик ем маҳсулотлари олиб келинган.

Шунға кўра, судланувчи Ф.У.Бурҳонов олиб келинган ем маҳсулотларининг сифатини аниқлаш мақсадида, Кашқадарё вилояти ССМ Давлат корхонасининг “Физика-Кимё” синов лабораториясига мурожаат қилган ва синов иши юзасидан 449.548 сўм миқдордаги тўловларни амалға оширилган.

2019 йил 4 октябрь кунидаги 101-сонли намуна танлаш далолатномасига кўра, буғдой, соя шроти, пахта шроти, арпа ва соя ёғини лаборатория мутахассислари И.Қулдашева ва Ю.Хайруллаевалар намуна сифатида имзолаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июль кунидаги “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 318-сонли Қарори Низомининг 4-бандида “Сертификатлаштириш органлари тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризасига мувофиқ давлат санитария назорати органларида, давлат ветеренария назорати ва ўсимликлар карантин бўйича давлат хизмати органларида, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш давлат органларида сертификатлаштиришни ўтказиш ва барча зарур ҳулосаларни олиш юзасидан агентлик хизматлари кўрсатишға ҳақлидир.



Бунда намуна танлаб олинди, шунингдек улар тўғри танланганлиги ва улар тегишли давлат органларига тақдим этилиши учун сертификатлаш органлари жавоб берадилар” деб кўрсатилган.

Бироқ, Кашқадарё вилояти ССМ Давлат корхонасининг “Физика-Кимё” синов лабораторияси мутахасислари И.Қулдашева ва Ю.Хайруллаевалар 2019 йил 4 октябрь куни қонунга зид равишда буғдой, соя шроти, пахта шроти, арпа ва соя ёғини намуна олинганлиги кўринади.

Чунки, далилларга кўра, судланувчи Ф.У.Бурхонов шахсан ўзи Қарши шаҳрида бўлган мутахасислар И.Қулдашева ва Ю.Хайруллаеваларга Самарқанд шаҳридан олиб келинган ва танланган буғдой, соя шроти, пахта шроти, арпа ва соя ёғини намуна сифатида олиб келинган ва уларга тақдим қилиб топширилган.

Суд, Кашқадарё вилояти ССМ Давлат корхонасининг “Физика-Кимё” синов лабораториясининг 04.10.2019 йилдаги № 01/375-сонли буғдой, 01/379-сонли соя ёғи, 01/378-сонли арпа, 01/376-сонли соя шроти ва 01/377-сонли пахта шроти давлат стандартларига тўғри келмаганлиги тўғрисидаги синов баённомалари шубҳа остида қолдириб, олиб келинган ушбу намуналар синов лабораторияси мутахасислари И.Қулдашева ва Ю.Хайруллаевалар томонидан қонунда назарда тутилган танланган усулда олинмаганлиги дастлабки тергов органи томонидан танқидий баҳолаб, тўғри тухтамга келган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Бурхонов Фурқат Уктамовичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Бурхонов Фурқат Уктамовичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 5-моддасида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деган раҳбарий тушунтиришлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги, “жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деган инсонпарварлик принципига амал қилиб, судланувчи Ф.У.Бурхоновнинг шахсини, оилавий шароитини, айбига қисман иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарни деярли тўлиқ қоплаганлигини ҳамда у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини эътиборга олиб, унга нисбатан



содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган жарима, ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни ҳамда ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни лозим топади.

Суд, жиноят иши юзасидан судланувчи Ф.У.Бурҳоновнинг яқин қариндошлари томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит рақамига топширилган жами 248.000.000 сўм пулларни Самарқанд шаҳар Давлат Солиқ инспекциясига ҳисобига ўтказишликни, қолган 4.903.000 сўмликсолиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундан Самарқанд шаҳар Давлат Солиқ инспекциясининг фойдасига ундиришликни лозим топади.

Суд жиноят иши юзасидан ашёвий далил эътироф этилмаганлигини эътиборга олади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465, 468, 471-473, 474, 476-моддаларига амалқилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи **Бурҳонов Фуркат Уктамович (Burhonov Furkat Uktamovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 (уч юз) баравари, яъни 66.900.000 (олмиш олти миллион тўққиз юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, 2019 йил 10 декабрь кунидан 2019 йил 17 декабрь кунига қадар 7 (етти) кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштирилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 21 (йигирма бир) кунни ўталган деб ҳисоблаб ва жазодан чегириб, ўташ учун 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 9 (тўққиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўз иш жойида ўталсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати “Furqat Uktamovich Lazzatli Don” масъулияти чекланган жамияти маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.



Судланувчи Бурҳонов Фуркат Уктамовичга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин бекор қилинсинва гаровга олинган 8.000.000 (саккиз миллион) сўм пуллар унинг ўзига қайтарилсин.

Самарқанд вилоят прокуратураси депозит рақамида сақланаётган жами 248.000.000 (икки юз қирқ саккиз миллион) сўм пуллар ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин Самарқанд шаҳар Давлат Солиқ инспекцияси ҳисобигаўтказилсин.

СудланувчиБурҳонов Фуркат Уктамовичдан Самарқанд шаҳар Давлат Солиқ инспекцияси ҳисобига4.903.000 (тўрт миллион тўққиз юз уч минг)сўмликсолиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раисликқилувчи судья

З.Ахмедова

